



ВАТАН — МАНГУВА БАРҲАЁТ

«...Элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаф-
фолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиз-
дан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарза-
ндларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда ин-
тиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги
ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал».

Ислом КАРИМОВ

ЭВОЛЮЦИЯ ЙЎЛИ

Ўзбекистон XXI асрга тинчлик, барқа-
дорлик, миллатлар ва фуқаролараро то-
тувликни таъминлаш гоёси билан кириб
боради. Бу гоё тарихий тараққиётнинг
моҳиятини белгилайди. Чунки урушлар,
тажовулар турли ғайриинсоний феолият-
лар XX асрда қолиб кетгани яхши. XXI
аср инсонийлик асри бўлади деб ороу
қиламиз. Ҳақиқатимиз ҳозир шунга ин-
тилади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, балки
дунё халқларининг маънавий биродар-
лик тамойилларига риоя этишларини кўз-
да тутди. Биродарлик, мурося қилиш
концепцияси XXI аср учун асос гоё бў-
лади. У одамни дунёда масъул бўлишга
ундайди. Бу инсонийликнинг ривожлани-
ши ва яшаб қолишининг зарурий шар-
тидир. Буни ҳар қим, ҳамма вақт эсдан
чикармаслиги керак.

Биз XXI асрда Президентимиз майдон-
га ташлаган «Шу азиз ватан барчамиз-
ники, унинг фаровон келажаги учун яшаш,
курашиш биз учун энг катта бахтидир»,
деган гоё амали учун курашамиз. Бу
эса дунёни асраш, одамларни асраш
ҳаммаимизнинг ишимиз, дегани бўлади.
Ер юзи ҳаммаимизнинг уйимизга айлани-

ши учун даставвал ўз уйимиз, ватани-
миз озода ва обод бўлишини таъминлаш
керак. Хайдеггер ибораси билан айтган-
да, фалсафа одамларни ўз уйига қайта-
ришдан иборат. Ана шунда одамлар ҳа-
қикий борлигига эга бўлади. Ўз ватани-
да ўзини бегона ҳис қилмайди. Мана
шундагина инсонлар ўз кучи, иродасини
ўз ватанининг равақига учун ишга сола-
ди, бунёдкорлик билан шуғулланади. Ҳар
қимнинг ўз ватанига масъулияти дунё
олдидаги, умумий уйимиз тўғрисидаги
масъулият ҳамдир. Мана шунда инсо-
ний ядровий экологик фожияларни ол-
дини олишга муяссар бўлади.

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср-
га интилоқда» номли маърузасида «Биз
келгуси асрга ўзимиз билан нималарни
олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва
нималардан воз кечилишимиз даркор?» деб
савол қўйиш билан бирга «Ўз ҳаётимиз-
ни қандай йўллар билан яхшиламоқчи-
миз» деган масалага ҳам ойдинлик ки-
ритади. Ислом Каримов ўзи майдонга
ташлаган тараққиётнинг методологик
асосини шундай тушунтиради: «Ҳақиқат-
Давоми иккинчи бетда

ИСТИҚЛОЛ: 8-ДОВОН



Суратда: Сирдарё ёлотилиш марказидаги «Гулистон» меҳмонхонаси.

Афкор дурдоналари

ДОНОЛАР ҲАСАД
ҲАҚИДА

Ҳасаддан ўзингизни сақланг,
негаки аланга ўтинларни қандай
ямлаб ютса, ҳасад ҳам қилган ях-
шиликларингизни худди шундай
йўққа чиқазади.

Ҳазрати Абу Довуд

Сабр-қаноат инсон танаси-
га тароват бахш этса, ҳасад
уни қуришиб юборади.

Ҳазрати Сулаймон

Ҳасад бир кишини ёндривчи
ва бошқаларни адоватга ундовчи
оловдир.

Имом Ҳасан

Ёлгончиға муруват бўлмас,
ҳасадчи ҳаловат билмас.

Имом Жаффар Содиқ

Ҳосидлар (ҳасадчилар) бад-
феъл бўладилар.

Ҳазрати Сўфийён Фўрий

Намоз ва рўза бебаҳодир,
қалбни манманлик ва ҳасад-
дан фориғ этиш эса бундан
ҳам яхшидир.

Ҳазрати Абул Ҳасан Ҳира-
қоний

Бир қимса рақибига ҳасад то-
шини отади, лекин у тош унинг
ўзига қайтиб тегади ва рақиб
унинг устидан кулади.

Дили беғамликни истасанг,
ўзингизни ҳасаддан асра.

Бобо Фаридуддин Ганжҗар

Қўролмаслик ичи қоралик-
нинг зоҳирий ўғлидир.

Имом Ғаззолий

Одамлар ичида сени кўпроқ
қўролмайдиганларни қариндошлар-
инг ва қўшниларинг бўлади, не-
гаки айнан шулар сенинг ютуқ
ва омадларингдан кўпроқ хабар-
дор бўладилар.

Ҳазрати ибн Самок

Инсон қалбига бир вақтинг
ўзида ҳам иймон ҳам ҳасад ис-
тикомат қилиши номумкин.

Расули Акрам (с.а.в.)

Ҳасаддан ўзингизни тий, чунки
осмонларда айнан шу гуноҳ са-
бабли Аллоҳга итоатсизлик бош-
ланган эди. Яъни шайтон Одам
алайҳис-саломга ғайрилик қилди,
Ерда эса Қобил ўз иниси Ҳобил-
ни қўролмаганидан ўлдирди.

Ҳазрати бин Манабба

Ҳасад оловида ёнувчи қим-
саи ўлимидан олдин ўлиб
бўлган, деб ҳисоблайверинг.

Бўқрот

Киши ўзини ўзи ҳаддан таш-
қари севиши туфайли ҳасад
пайдо бўлади.

Ҳасад махсудга (ҳасад қили-
нувчи) этиб боргунга қадар хо-
сидни ўлдириб адо қилади.

Тўловчи: Шароф МИРЗАЕВ

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИГА ҚАЙТИШ

«Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси» рисоласини ўқиш

Ўқувчиларнинг аксария-
ти ўша тушунчалардан
хиллагина ийроқлашиб
кетган. Шунинг учун
ҳам уларни илғаб олол-
майди, тушунганда ҳам
юзаки тушунади. Оддий
бир мисол: Сўфий Ол-
лоёрнинг

Ирода қилса ул
Ҳайи тавоно,
Қилур бир лаҳзада
билмасин доно.

Сафий тупроғин
этгач жон ила жисм,
Нечунким айлади
доноий ҳар исм.

Тўртлигида Одам
Атонинг яратилиши ҳа-
қидаги ривоят ўз акси-
ни топганини оддий
Ўқувчи дарҳол англаб
олишга қийналади. Бу-
ни англаш учун, бирин-
чидан, Аллоҳнинг буюк

би сюжетлар диний
адабиётда тез-тез уч-
раб туради.

Рабғузийнинг ривоят
қилишича, Худованди
Карим одамни яратиш-
га ирода этганда бар-
ча мавжудот — тоғ, ден-
гиз, олтин, осмон уни-
нг моддасини ўзидан
олишни тақлиф қилди.
Елғиз тупроққина ўзи-
нинг ҳар қандай афзал-
ликлардан холи экан-
лигини эътироф этиш-
га камсукмулик мақомида
туради. Шунда Аллоҳ
инсонни худди шу мод-
дадан, яъни тупроқдан
яратишни афзал қўра-
ди. Шу фактнинг ўзида
чўқур фалсафа борки, у
ҳар қандай инсоннинг
хоқсор бўлишига
даъватдир.

ришталарга: «Энди сиз-
га маълум бўлдики, одам
олим турур, сиз
обидсиз. Қайда обид
эрса, олимага хизмат
қилмоқ керак», деб
айтади. Бу талқин за-
мирида ҳам, тушуниш-
мизча, амал — илгма,
ибодат ва тақво-билим-
га асосланмоғи лозим
деган фалсафий мушо-
ҳада ётади. Демак, Сў-
фий Оллоёрнинг юкори-
даги тўрт мисраси та-
гида шунча маъно му-
жассамлашган.

Ўзбек мумтоз ада-
биётининг мазмунан
Қуръон ва ҳадис, ислом
таълимоти билан бо-
ғлиқ жиҳатларини мах-
сус тадқиқ этишни ўз-
бек адабиётшунослиги-
да Ҳамидулла Карома-

тов бошлаб берди. Уни-
нг 1993 йилда ёлланган
«Ўзбек адабиётида
Қуръон мавзулари» док-
торлик диссертацияси,
мазкур йили босмадан
чиққан «Қуръон ва ўз-
бек адабиёти» моногра-
фияси ҳамда бир қатор
мақолалари муқаддас
Китоб мавзуларининг

дан элчи этилган зотлар
ўз қавмларини ҳидоят
сари бошлаган пайтла-
рида қанчалик қаролик
ва машаққатларга дуч
келганлари, сарқаш қа-
вмлар охир-сўхбатда
илоҳий жазога муштаҳ
бўлганлиги аниқ мисол-
лар ва иқтибослар асо-
сида очиб берилди.

Худди шунингдек, рисо-
лада Аллоҳнинг буюк
исмлари, Муҳаммад
пайғамбар сиймоси,
чормихланган Исо ба-
рази талқинлари баён
этилади; таваккул ту-
шунчасининг моҳияти,
унинг бадий адабиёт-
да ўз аксини топган
мазмунини ҳақида кенг
фикр юритилади.

Рисола билан таниш-
ган Ўқувчи қаламга олин-
ган мавзуларнинг ҳар
бири туркий халқлар
маданий анъаналарида
салмоқли ўрин эгалла-
шига яна бир бор ишо-
ни ҳосил қилади. Шунин-
г билан бирга, рисола
композициясида
пайғамбарлар қанчалик
азият чекамсинлар, мун-
кирлар нечоғлик жоҳил

ўзбек классик адабиёти
мазмунини ва мундарижа-
сига барақали таъсир эт-
ганини далиллаб берди.
Олимнинг навбатдаги
«Хўрланган пайғамбар-
лар ғалабаси» номли ри-
сосини ҳам шу мавзунини
давом эттиради ва чу-
қурлаштиради. Рисола-
да Қуръонни қаримдан
сарчашма олган диний
мазмундаги асарлар таҳ-
лили асосида туркий
тилдаги бадий ада-
биётда, қолаверса, халқ-
қимиз маънавий анъана-
ларида катта ўрин тут-
ган мавзуларнинг муҳим
қирралари очиб берил-
ган. Масалан, «Пайғам-
барлар қиссасида жазо
мавзуси» деб аталган би-
ринчи фаслда Қуръонни
қаримда Аллоҳ томони-

дан элчи этилган зотлар
ўз қавмларини ҳидоят
сари бошлаган пайтла-
рида қанчалик қаролик
ва машаққатларга дуч
келганлари, сарқаш қа-
вмлар охир-сўхбатда
илоҳий жазога муштаҳ
бўлганлиги аниқ мисол-
лар ва иқтибослар асо-
сида очиб берилди.

Худди шунингдек, рисо-
лада Аллоҳнинг буюк
исмлари, Муҳаммад
пайғамбар сиймоси,
чормихланган Исо ба-
рази талқинлари баён
этилади; таваккул ту-
шунчасининг моҳияти,
унинг бадий адабиёт-
да ўз аксини топган
мазмунини ҳақида кенг
фикр юритилади.

Рисола билан таниш-
ган Ўқувчи қаламга олин-
ган мавзуларнинг ҳар
бири туркий халқлар
маданий анъаналарида
салмоқли ўрин эгалла-
шига яна бир бор ишо-
ни ҳосил қилади. Шунин-
г билан бирга, рисола
композициясида
пайғамбарлар қанчалик
азият чекамсинлар, мун-
кирлар нечоғлик жоҳил

бўлмасинлар, барибир
пировардда ўз қавми-
га, умматига наҳот ис-
таган сиймолар саъий-
ҳаракатлари қўзланган
мақсадга истиқлол
мафқураси шаклла-
наётган бугунги кунда
долзарб оимл бўлиб
жилоланади.

Мумтоз адабиётда

шўҳада ҳам жуда фойда-
ли, чунки зукко ўқувчи
таржимани ҳам Қуръонни
қаримнинг асл матни ба-
раварида кўрмаслиги гоё-
сини ўзига сингдириб
олиши фойдалидир.

Албатта, мумтоз ба-
дий адабиётнинг
Қуръон ва ҳадис, умуман
ислом таълимоти билан
боғлиқ жиҳатлари чекиз
мавзу. Уни бир-икки ри-
солада қамраб олиш
мушкул. Айни пайтда
бундай тадқиқотларнинг
бошлангани ва, бундан
ҳам муҳими — уларни
асл манбалар асосида
олиб борилаётгани қони-
қиш уйғотади.

Қуръон ва ҳадис мав-
зуларининг туркий ада-
биётдаги бадий инъикоси
соф диний адабиёт-
дан тортиб шеърятгача,
халқ китобларидан тор-
тиб, бой ва серқирра та-
саввуфга оид асарларга-
ча бўлган қатлам-қатлам
сержило маданий ҳази-
нани ўз ичига олади,
уларнинг барчаси ўзбек
халқининг маънавий ме-
росига дахлдор бўлгани
учун ҳам уларни муома-
лага киритиш бугунги
қуниинг долзарб вазифа-
ларидандир.

Раҳмон
ИНОМХҲАЕВ,
филология фанлари
номзоди

ЭГРИ ИШНИНГ СОЯСИ

...Бу иш судда қўрилаёт-
ганда Мухтор Турсуновдан
нафратланмаган одам қол-
мади. У ҳали воғга етма-
ган болаларни, ҳатто ўзи-
нинг угли Мирзажонни ҳам
ўғрилликка ундаб, тўғри
ҳаёт йулидан адаштирди.
Ўсмир ёшидаги Собир Ра-
ҳимов ва Мусахон Турсу-
новларнинг Раҳмат кўчаси-
даги уйларида бирда
яшовчи Эркинжон Су-
лаймоновниқидан ўғирлаб
келтирган (ҳар бири 1000
сум тўрайдиган) 8 бош то-
вуқдан 7 тасини М. Турсу-
нов Бувайда тумани бозо-
рида 250-300 сумдан пул-
лаб бу пуллари ўз эҳтиёж-
ларига ишлатиб юборади.

Орадан бир ҳафта ўтгач,
текин таомнинг таъми тор-
тиб болаларни яна «ов»га
йўллайди.

— Яна бўлса олиб кела-
веринглар. Ўзимга битта
шим сотиб олмақчиман.
Мирзажон, сен товуқхона-
га кирмагин, — дейди у
кичик «овчи»ларга. Собир-
жон ва Мирзажонлар тенг-
қурлар Жасурбек Тош-
болтаевни ҳам шерик қи-
либ олиб, Э. Сулаймонов-

никага яна товуқ ўғирлага-
ни боришади. Уйда ҳеч қим
йўқлигидан фойдаланган
болалар яна 7 бош товуқни
«уриб» келади.

Текин даромадга мазох-
рак бўлиб қолган тулкимоҳ
Мухтор Турсунов «йўлланма»
беришда давом этади.

— Эҳтиёт бўлинглар, яна
қўлга тушиб қолманглар! —
дея таъкидлайди у. Собир

Қилмиш-
қидирмиш

билан Мирзажон шу кун
катта-катта товуқлардан сак-
кизтасини олиб чиқадилар,
Ўсмирларнинг ҳам анча
«тажрибаси» ошганиданми,
йўлда 5 донасини Аҳмаджон
Носировга пуллаб, қолгани-
ни М. Турсуновга келтириб
беришади.

Эркин Сулаймонов кун-
дан-кунга қўрасидаги товуқ-
ларнинг қамалиб қолаётган-
лини сезиб, сўраб-суриш-
тира бошлайди ва ўғирлик-
нинг учини топади — Собир
Раҳимовни ушлайди. Собир
Эркинжонни Жасурларни-
кига олиб борганда у ерда

донлаб юрган товуқлари-
ни танийди ва милиция-
га хабар беради.

38 ёшга тўлиб, ақли
қирмаган, айни кунчи
қайнар ёшида тани-жо-
ни соғ бўла туриб, би-
рор фойдали меҳнат бил-
лан шуғулланишни ўзига
эп қўрмаган Мухтор Тур-
сунов 8 йилга озодлиқ-
дан маҳрум этилди, мол-
мулк давлат ҳисобига
мусодара қилинди. Ора-
мизда нақадар номасқул
ва номуносиб ишлар бил-
лан шуғулланиб юради-
ган қимсалар ҳам бор.

«Хирс ва очқўзлик зан-
жирига боғланган бўйин
пушаймонлик тиги билан
кесилди» дейди халқи-
миз. Эгри ишнинг сояси
ҳам эгридир. Айниқса,
бу нурсиз соянинг ёшлар-
имизнинг ҳаёт йўллари-
га, маънавиятига тушга-
ни ачинарлидир.

Одамлар, боларни
йўлдан урувчиларга ҳар
доим қўз-қулоқ бўлинг!

Тўхтагани
МИРЗАРАҲМАТОВ,
журналист

Яйпан



АҚШДА «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»

АҚШ ва Канада Бухоро яху-
дийлари Конгресси беш йил
олдин «Возрождения» — «Уйғо-
ниш» деган театр ташкил қил-
ган эди. Бу йил шу театр Ўз-
бекистон халқ ёзувчиси Саид
Аҳмаднинг машҳур «Келинлар

қўзғолони» пиесасини рус
тилида сахнага чиқарди.

25 июл кунин Нью-Йоркда
спектаклнинг премьераси бў-
либ ўтди. Биринчи кунёқ ми-
нгдан ортиқ томошабин зал-
ни тўлдириб, ҳаяжон билан

томоша қилди. Асарни Семён
Аулов сахналаштирган. Фар-
монбиби ролини Мира Аран-
баева ихро этди. Бошқа рол-
ларда театрнинг етакчи актёр-
лари иштирок этишди. Театр
бу спектакл билан Канада

ҳамда Исроил мамлакатлари-
га сафарга чиқишни режалаш-
тирган. Спектакл намоишида
Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчи-
си Содиқ Сафоев иштирок
этиб, театр жамоасини янги
асар билан қизғин табриклади.

3

